



Ishonch

2018-yil 10-fevral • shanba • № 18 (3991)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Жиноятчига қариндошлик ЖИНОЯТ ЭМАС

2016 йилда 33 нафар фуқаро яқин қариндошларининг судланганлиги муносабати билан ишга қабул қилиш рад этилганлигидан норози бўлиб турли юқори идораларга мурожаат қилишган. Тартиб-қоида шунақа экан, деб мурожаат қилмаган икtidорли ёшлар яна қанча.

2-бет



Бошқотирма ажрим

Шу кунларда Балиқчи туманининг Қияли маҳалласида яшовчи Жўрабой ота Қўчқоровнинг жуда хуноби ошган. Кулоқ тутсангиз, хасратидан «чанг» чиқади.

3-бет



Ички туризмда янги давр

Дунёда туризм саноати илғор ва седаромад соҳалардан бирига айланди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотига қўра, дунё бўйича 200 миллионга яқин киши ушбу соҳада меҳнат қилади, жаҳон иқтисодиётида халқаро туризмдан тушаётган даромад 1 триллион АҚШ доллари-дан зиёдни ташкил этаётти.

4-бет



БАРЧА САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИМИЗ ОБОДЛИК, БУНЁДКОРЛИК ВА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

Президент Шавкат Мирзиёев 9 феврал куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида пойтахтимиз туманларида бўлди.

Тошкент шаҳрида сўнгги йилларда мисли кўрилмаган бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бугун пойтахтимиз том маънодаги қурилишлар майдонига айланган. Янгидан-янги ишоотлар, корхоналар, тиббиёт ва таълим муассасалари, спорт мажмуалари, равион йўллар, кўприклар, маҳалла гузарлари, бозорлар, боғлар, хиёбонлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу борадаги ишлар Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида жадаллик билан давом эттирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Тошкент метрополитени Юнусобод йўналишидаги 2-босқич қурилиш ишларини кўздан кечирди. Шавкат Мирзиёев бу каби мураккаб жараён нафақат маблағ, балки ақлий меҳнат ва юксак маҳорат, чуқур билим ва тафаккур, юқори технологияларни талаб қилишини таъкидлади.

Қурилишга 200 дан ортқ ишчи ва муҳандис, 40 та техник восита ва механизм

жалб этилган. Метро қурилишига Германиядан ерости туннелини қазийдиган комплекс, бурғулаш ва темир-бетон қозик қозик техникаси, шунингдек, ГФР ва Хитой кранлари олиб келинган.

Қурилаётган метро участкасининг узунлиги 2,9 километр бўлиб, уни 2019 йилда фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда.

Президентимизга метро бекатларининг дизайни ва қиёфаси, уларни замонавий ва миллий анъаналар асосида қуриш ва безаш бўйича маълумот берилди. Давлатимиз раҳбари метро қурилишида ишлатилаётган энг замонавий техник воситалар билан таништирилди.

Шу ерининг ўзида Тошкент шаҳри метрополитенини ривожлантириш ва кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан ҳам маълумот берилди.

Шавкат Мирзиёев пойтахтимизда барпо этилаётган «Наврўз» истироҳат боғи лойиҳасини кўздан кечирди.

Наврўзи олам — халқимизнинг энг қадимий миллий байрами. Юртимизда катта-ю кичик — барча шарқона янги йил бўлмиш ушбу айёмни орқиб кутади. Эзгулик, меҳр-муруват, хайр-саховат айёми қалбларга олам-олам сурур ва орзу-хаваслар бахш этади.

Жорий йилда ҳам Наврўз байрамини кўтаринки руҳда, умумхалқ сайли тарзида нишонлаш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан Тошкент шаҳрининг Абдулла Қодирий, Шароф Рашидов ва Лабақ кўчалари кесилган жойда «Наврўз» боғи барпо этилмоқда.

Боғ учун 32 гектар ер ажратилган бўлиб, бу ерда 6 минг кишилик усти очилиб ёпиладиган амфитеатр, диаметри 72 метрлик чархипалак, хар бир вилоят аҳолисининг ўзига хос урф-одатлари, аждоқларимизнинг яшаш тарзи, миллий хунармандлик, пазандалик анъаналарини акс эттирувчи уйлар қурилади. Бу ерга келган хорижий

делегациялар аъзолари ва сайёҳлар аждоқларимизнинг ўзига хос бой маданий мероси, фольклори, этнографияси, кийиниш маданияти, санъати билан танишиш, хар бир ҳудуднинг лаззатли таомларидан татиб кўриш имкониятига эга бўлади.

Жорий йилдан бошлаб халқимизнинг Мустақиллик, Наврўз каби улғу байрамлари мазкур боғда ўтказилади. Бундан ташқари, мажмуада оммавий сайллар, концертлар ташкил этиш учун барча шароит яратилади. Истироҳат боғи марказига куёш шаклида Наврўз рамзи ўрнатилади. Мажмуа 2019 йили тўлиқ қуриб битказилади.

«Наврўз» боғидан Анхор канали узра учта пивдалар кўпригини бунёд этиш мўлжалланган. Боғ чети «Анхор-Локомотив» паркига туташиб кетади. Одамлар бу кўприклардан амфитеатрга кириб келади, Анхор канали бўйлаб сайр қилиш имкониятига эга бўлади.

2>

Касаба уюшмалари ҳудудларда



ФАРФОНА. Меҳр-окибат, саховатпешалик, эҳтиёжмандларга ёрдам қўлини чўзиш азалий анъаналаримиздан. Жумладан, юртимиздаги кам таъминланган оилаларга касаба уюшма ташкилотлари томонидан алоҳида эътибор қаратиляпти.

Бағдод туманида ҳам ушбу хайрли тadbир доирасида кам таъминланган оилаларнинг 111 нафар вакилига мавий техника воситалари топширилди.

— Совғалардан бошимиз кўкка етди, — дейди Пахтаобод маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Малика Маматқулова. — Хонадонимизга берилган электропечда турли пишириқлар пиширяпмиз. Бизга хайр-саховат кўрсатаётган Президентимиз ва барча юртдошларимиздан миннатдоримиз

НАВОИЙ шаҳридаги Ёшлар марказида вилоят касаба уюшма ташкилотлари Ёшлар бирлашмасининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияда бирлашма кенгаши раисининг Ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Фаррух Худояров Ёшлар бирлашмаси раиси этиб сайланди.

ЖИЗЗАХ вилоят касаба уюшма ташкилотлари Ёшлар бирлашмасининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди.

Анжуманда ёшларнинг меҳнат ҳамда ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, меҳнат муносабатларига оид билимини ошириш, хар томонлама қўлаб-қувватлаш ва рағбатлантириш орқали жамиятда муносиб ўрин эгаллашига қўмақлашиш, тизимга ёш ва иқtidорли кадрларни жалб этиш ҳақида сўз юритилди.

Шунингдек, Ёшлар бирлашмаси ташкил этилиб, унинг Низоми тасдиқланди. Очик овоз бериш йўли билан Маъруф Абдурахмонов Ёшлар бирлашмаси раиси этиб сайланди.

БУХОРО вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамда Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси ҳамкорлигида Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини энг яхши ташкил этиш юзасидан Республика кўрик-танловини ўтказишга тайёргарлик борасида семинар ташкил этилди.

КИМ ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Ёшлар бирлашмасининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди.

Тadbирда ташкилий масала кўрилди. Тармоқ касаба уюшмаси Ёшлар бирлашмаси ташкил этилиб, унга Шавкат Тоиров раис этиб сайланди.

Тadbир доирасида катнашчилар Биринчи Президентимиз, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислам Каримов ҳайкали пойига гулчамбар қўйдилар. Оксарой қароргоҳидаги кўргазмалар залида бўлиб, Ислам Каримов сиймоси акс этган тасвирий санъат намуналари, фотосуратлар, турли асарлар билан яқиндан танишдилар.

Ўз мухбирларимиз

Анжуман

Ҳозирда дунё аҳолисининг қарийб учдан бир қисми, аниқроғи, 2 млрд. га яқин киши ислом динига эътиқод қилади, шунга кўра «Halal» стандартларига жавоб берадиган маҳсулотларга талаб ҳам кун сайин ортиб бормоқда.

«ҲАЛОЛ» станданти — Ўзбекистонда

Маҳсулотларнинг «Halal» араб атамасини тасдиқловчи услуб «Кодекс Алиментарис» комиссиясининг 1997 йилдаги 22 сессиясида қабул қилинган бўлиб, методикада ҳалоллик мезонларининг барча талаблари белгилаб қўйилган.


Шу боис тобора экспорт саноатини оширишга интиляётган мамлакатимизда ҳам озик-овқат, хўл ва қуритилган мева-сабзавот маҳсулотларини халқаро ҳалоллик талабига мослаштириш муҳим аҳамият касб этади.

«Ўзстандарт» агентлиги томонидан ўтказилган матбуот анжуманида Ўзбекистонда «Halal» стандарти қабул қилинганлиги эълон қилинди. Таъкидлаш жоизки, қатор хорижий экспертлар иштирокида мазкур стандартни жорий этиш борасида амалий семинар ҳам ташкил этилган.

Дилором АЛЛАҚУЛОВА,
«Ishonch» мухбири

Алишер Навоий таваллудининг 577 йиллиги

Буюк бобокалонимиз Алишер Навоий мангу барҳаёт



Улуғ мутафаккир, сўз мулкининг султони Алишер Навоийнинг бой маънавий мероси асрлар оша бутун башариятни ҳайратга солиб, инсонлар қалбига, онгу шуурига эзгулик, инсонпарварлик, саховат, меҳр-муруват зиёсини таратиб келмоқда. Мамлакатимизда улғу бобокалонимизга эҳтиром кўрсатиш, асарларини ўрганиш, уни дунёда кенг тарғиб этишга доимий эътибор қаратилмоқда.



9 феврал куни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида шоир таваллудининг 577 йиллигига бағишланган тadbир бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, турли вазирилик ва идоралар, ижодий уюшмалар ва жамоат ташкилотлари мутасаддилари, навоийшунос олимлар, адиб ва шоирлар,

ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Ахмедов, навоийшунос олим У.Жўрақулов ва бошқалар мамлакатимизда мустақиллик йилларида шоир хотираси абадийлаштирилгани унинг жаҳон адабиёти хазинасига қўшган буюк хиссаи ҳамда чексиз истеъдодига бўлган юксак ҳурмат ифодаси эканини таъкидлади.

Улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий дунё адабиёти тарихида тенги топилмас бир сиймо ҳисобланади. Истеъдодининг улғуворлигию теранлиги жиҳатидан ҳам, халқпарвар давлат арбоби сифатида жамиятда тутган юксак мавқеи юзасидан ҳам, илм-фан, маданият ва санъат, адабиёт аҳлига кўрсатган ҳомийлиги жиҳатидан ҳам ўхшаши йўқ сиймо.

2>

Дастур шарофати билан

«Энди «қора» рўйхатда эмасмиз!»

«Дунёда номинг қорага чиқишдан ёмони йўқ. Худдики, ҳамма қўлини бигиз қилиб кўрсатаётгандек туюлаверади, кишига. На ёйиш-ичиш, на ётиш-турушда ҳаловатинг бўлади. Бир марта адашиб қўйилган қадаминг алами йиллар давомида ҳаётингга раҳна солаверса, бунинг азоби қаттиқ экан».

Очиги, шу пайтга қадар «мулоқот» деган тушунчанинг маъноси чакмаган эканман. Мулоқот бу суҳбатдошининг кўнглига қўл солиш, кийнаётган муаммоси ечим топишга қадар у билан ҳамнафас бўлмок дегани экан.

Хусусан, диний экстремизм оқимиға хайрихоҳ оила вакиллари билан ўтказилган суҳбатлар ва бу ишларнинг амалий натижаси биз учун ҳам, улар учун ҳам самарали келди. Одамларимизда ҳуқуқатга бўлган ишонч ортаётганининг жонли гувоҳига айландик. Ян-

гича яшаш, ўзгача фикрлаш замони келганини англаганлар бугун чиндан-да эгуликка йўрилган ишлар бошини тутишди.

Улардан бири Наманган шаҳридаги «Янги қурилиш» МФЙда истикомат қилувчи Акрамжон Юнусовдир. Акрамжон суҳбат асносида «қора» рўйхатдан чиқиб энг катта истаги эканлигини айтганди. Ондавий новъчилик билан шуғулланувчи А.Юнусов бугунги сиёсатдан жуда хурсандлигини, аҳолига берилаётган имтиёزلардан у ҳам фойдаланиб, тадбиркорлик соҳасини кенгайти-

риш ниятида эканлигини билдирганди. «Билиб-билмай қилган хато оқибати ҳалигача юзимизни қора қилаёттир», деган эди ўшанда. Бугун эса у бутунлай ўзгача: қалди тик, қувончи дунёларга сиғмайди.

«Янги ҳаёт» МФЙда истикомат қилувчи Мусоҳон Усмонов ҳам шундай бахтиёр инсонлардан. Ҳозирда тадбиркорлик билан шуғулланиб, эл қорига елка тутаетган бу йигит билан суҳбатимиз кечагидек ёдимизда. «Бирор ташаббус билан чиқса, қўллаб ташкилотлар аввалига қучоқ очиб кутиб олишади, қўллаб-қувватлаймиз, деб ваъдалар беришади. Икки-уч кундан сўнг эса «уэр, бу иш бизга тўғри келмаскан», дея силлиққина рад жавобини беришади. Бунинг замирида диний тушунчаларимизни нотўғри асосга қурганимиз, жиддий бўлмаган хатоларимиз турибди. Бирок халомизни тушунганимиз, англақон тўғри йўлга кайтганимизни аниқла олмайлигимиз, шекилли. Президентимиз Шавкат Мирзиёевдан биз каби адашганларни кечириши

ва Ватанимиз учун нималарга қодирлигимизни кўрсатишга имкон беришларини сўрардик», дея дардини очганди у.

Жамоат ташкилотимиз ваколатларидан келиб чиқиб, Мусоҳон каби диний экстремизм оқимиға хайрихоҳ оила вакиллари орти нафари билан суҳбат ўтказиб, уларнинг афв мазмунидаги мурожаатларини тегишли идораларга етказдик. Қарангки, уларнинг барчаси бугун «қора» рўйхатдан чиқарилди. Энди улар ҳаётда ўз ўринларига эга бўлишади. Бугун адолатпарвар сиёсатимиздан рози, ҳаётта мамнулик билан боқаетган бу кўзларга тиклар эканман, қанчадан-қанча оилалар бахтиёрлигида хиссамиз борлигидан ифтихор туймоқдамиз.

Зулхумор ҲОЖИМАТОВА, АСМ ходимлари қасаба уюшмаси Наманган шаҳар кенгаши раиси



Дрон соғлигингиз тарафдори

Япониянинг Taisei компанияси мутахассислари «T-Frend» номли дрон яратишди.

Ушбу дрон иш вақти тугагач, ходимлардан уйга кетишларини талаб қилади ва даъватга бўйсунмаганларни кетишга мажбурлайди.



Мутахассисларнинг айтишича, ҳозирда Японияда жуда кўп қорхона ва ташкилотларда иш вақти тугаган бўлишига қарамай, аксар ишчилар офисдан чиқмай ўз фаолиятини давом эттириб ўтираверишади. Кўп вақт бир жойда ўтириб қолиш эса инсон саломатлигиға жиддий зарар экани маълум.

рабсизки, катта эҳтимол билан шовкин туфайли ишини давом эттири олмаган ходим офисни тарк этишга мажбур бўлади.

Ақли дрон салбий оқибатларнинг олдини олиш мақсадида яратилган бўлиб, унинг асосий вазифаси видеокамера орқали Япониядаги ишчиларни кузатиб туриш ва назоратда ушлашдир.

Бу шовкин мамлакатда иш тугаганини билдирувчи рамзга айланган «Auld Lang Syne» япон миллий мусикасидир.

«T-Frend» агар қайсидир ходим иш вақти тугаши билан кетиш таратудини кўрмай, ишида давом этаверса, ходимнинг тепасига келиб ҳар хил мусикали шовкин чиқара бошлайди, қа-

Япониядаги офисларда апрел ойидан бошлаб ушбу дроннинг фаолияти йўлга қўйилиши айтилмоқда.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, дрон қорхона томонидан ходимларнинг саломатлиги учун туланадиган сугурта пулларини тежайди.

Кассасиз супермаркет

Дунё шиддат билан ўзгармоқдаки, энди ҳаёлот оламидаги нарсаларга кундалик ҳаётимизда дуч келмоқдамиз. Учувчисиз самолёт, ҳайдовчисиз автомобиллар...

Вақти келиб дўконларда нафақат сотувчилар, балки кассирларга ҳам эҳтиёж қолмайди. Барча турдаги маҳсулотлар сотилуви ана шундай супермаркет АҚШда очилди. Сиётлда жойлашган маъмур дўконда на сотувчиси, на кассирни учратасиз.



экранига туширади. Шу тариқа дўкондан ўзига керакли маҳсулотни олади ва махсус пакетларга жойлаб, супермаркетдан чиқиб кетаверади.

Харидор дўконга киришдан аввал смартфонининг штрих-код суратини эшик олдиға ўрнатилган турникетни эслатувчи ускунанинг

Дўконнинг ҳар бир бўлимига кўзатув камералари жойлаштирилган бўлиб, жавондаги ҳар бир маҳсулотни қайси харидор олганини қайд этиб боради.

Харидор дўкондан чиқиб олтидан автоматик тизим хисоб-китоб қилиб, истеъмолчиға чекини беради.

Чиқиндидан электр энергияси ва водород

Toyota компанияси биоёқилғида ишловчи дунёдаги биринчи электр станцияни қурмоқчи эканлигини маълум қилди. Бу станция унумдорлиги МВт-соатларда ўлчанади. Компания бунинг учун қишлоқ хўжалиги саноатидаги чиқиндилардан фойдаланади. Ушбу чиқиндилардан катта миқдорда энергия, сув ва водород олинади.



Бундай станция 2020 йилдан Калифорнияда иш бошлаши мумкин. Янги станция электр энергиясидан ташқари, кўп миқдорда водород ишлаб чиқаради. Таъкидланишича, олинадиган водород кунинга 1500 та машинани қувватлаш учун етади. Бу водород воситасида компаниянинг портда ишлайдиган барча автомобиллари ҳаракатланади. Булар водо-

родда ишлайдиган Toyota Mirai енгил машинаси ва Toyota Project Portal юк машинасидир.

Интернет материаллари асосида Ж.ЭРГАШЕВ тайёрлади

Тошкент шаҳар Яшнобод тумани, Висол 8-тор қўчаси, 5а-хондон учун берилган Усманов Махамалжон Валежановичға тегишли қадатр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Таълим, фан ва маданият ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси Пискент туман тармок кенгаши раиси Умирзоқ Норбоевға падари бузруквори УСМОН отанинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Таълим, фан ва маданият ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси Бекобод шаҳар тармок кенгаши раиси Мамуржон Маматовға онаси ҚўСИНОЙ аянинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ҳуқуқий сабоқ

«Ишдан чиқиб, йўналишли таксига ўтирдим. Бирин-сирин йўл ҳақини ҳайдовчига узатиш бошланди. У бир чети йиртилган минг сўмлик пулни қайтариб, «буни олмайман, йиртиқ экан, ним берган бўлса, бошқасига алмаштириб берсин», деди. Унинг айтишича, «план» топшираётганда кассадагилар бундай пуллари қабул қилмас экан. Шу тўғрисида?» дея таҳририятга савол йўллабди Тошкент шаҳридан Исмигул Юсупова.

Йиртиқ пул яроқсизми?

Ҳўш, валютанимиз қайси ҳолларда муомалага яроқсиз саналади? Марказий банкнинг Адлия вазирлигида 2008 йил 27 июнда 1831-сон билан рўйхатга олинган «Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларини ташқишга доир йўриқнома»да «сўм»нинг тўловга яроқлилик белгиларини аниқлаш қоидалари кўрсатиб ўтилган.

Унга кўра, хўжалик юртурувчи субъектлар қуйидагича шикастланган банкнотларни монеликсиз тўловга қабул қилишлари ва тушум пули сифатида банкларга топширишлари лозим:

- ҳар қандай қисмида тешиқ ёки йиртилишлар, сийқаланишлар, доғлар, қалам, сиёҳ ва фломастер билан ёзилган ёзувлари мавжуд бўлган пуллار;
- йиртилган ва елимланган пуллар, агар пулнинг иккала қисми шак-шубҳасиз битта банкнотга тегишли бўлса;
- бўёқ моддалари ва юксалта тўқилган, таъвий ранги ўзгарган, қўйган, бўялган ёки чивилган пуллار;
- шикастланиш тури ва жойлашишдан қатъи назар, банкнот тўлик ҳажмининг 55 фоизидан кам бўлмаган қисми сакланиб қолган пуллар.

Шунингдек, шикастланиш туридан қатъи назар (шакли бузилган, пачоқланган, сийқаланган, тешилан, қирқилган, синдирилган, ишқорға солинган, бирор-бир металл билан пайвандланган, оловда эритилган, қўқариб ва қорайиб кетган) ўзининг тўла ҳажмини ва олд тарафидаги қиймати тасвирини саклаб қолган ҳамда ҳақиқийлиги шубҳа тудирмайдиган металл тангалар тўловга яроқли хисобланади.

Шикастланган пуллари «осқирган» пуллари тоифасига киритилиб, банклар томонидан улар шу қийматдаги тўловга яроқли пулларга алмаштириб берилади

Жамшид ЭРГАШЕВ «Ishonch»

Бошқотирма ажрим

Шу кунларда Балиқчи туманининг Қияли маҳалласида яшовчи Жўрабой ота Қўчқоровнинг жуда хўноби ошган. Қўлоқ тутсангиз, ҳасратидан «чанг» чиқади.



А Ж Р И М (Арифин ҳарфлари билан ёзилган)

2017 йил ноябр ойининг 23 кунини фуқаролар ишлари бўйича Избоскан туманлари судининг раиси А.Б.Маматов, даявогар Қўчқоров Жўрабой жавобгар Қияли туманидаги даъво аризаси бўйича маънавий зарарларини ўлчаш ҳақини таъинлаш бўйича ҳал қилди.

Даявогар Қўчқоров Жўрабой суғда даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар Қияли туманидаги даъво аризаси бўйича маънавий зарарларини ўлчаш ҳақини таъинлаш бўйича ҳал қилди.

Даявогар Қўчқоров Жўрабой суғда даъво аризаси бўйича маънавий зарарларини ўлчаш ҳақини таъинлаш бўйича ҳал қилди.

Шунингдек, даявогар Қўчқоров Жўрабой суғда даъво аризаси бўйича маънавий зарарларини ўлчаш ҳақини таъинлаш бўйича ҳал қилди.

Шунингдек, даявогар Қўчқоров Жўрабой суғда даъво аризаси бўйича маънавий зарарларини ўлчаш ҳақини таъинлаш бўйича ҳал қилди.

Шунингдек, даявогар Қўчқоров Жўрабой суғда даъво аризаси бўйича маънавий зарарларини ўлчаш ҳақини таъинлаш бўйича ҳал қилди.

Шунингдек, даявогар Қўчқоров Жўрабой суғда даъво аризаси бўйича маънавий зарарларини ўлчаш ҳақини таъинлаш бўйича ҳал қилди.

Шунингдек, даявогар Қўчқоров Жўрабой суғда даъво аризаси бўйича маънавий зарарларини ўлчаш ҳақини таъинлаш бўйича ҳал қилди.

Шунингдек, даявогар Қўчқоров Жўрабой суғда даъво аризаси бўйича маънавий зарарларини ўлчаш ҳақини таъинлаш бўйича ҳал қилди.

Шунингдек, даявогар Қўчқоров Жўрабой суғда даъво аризаси бўйича маънавий зарарларини ўлчаш ҳақини таъинлаш бўйича ҳал қилди.

Шунингдек, даявогар Қўчқоров Жўрабой суғда даъво аризаси бўйича маънавий зарарларини ўлчаш ҳақини таъинлаш бўйича ҳал қилди.

Шунингдек, даявогар Қўчқоров Жўрабой суғда даъво аризаси бўйича маънавий зарарларини ўлчаш ҳақини таъинлаш бўйича ҳал қилди.

Шунингдек, даявогар Қўчқоров Жўрабой суғда даъво аризаси бўйича маънавий зарарларини ўлчаш ҳақини таъинлаш бўйича ҳал қилди.

Шунингдек, даявогар Қўчқоров Жўрабой суғда даъво аризаси бўйича маънавий зарарларини ўлчаш ҳақини таъинлаш бўйича ҳал қилди.

Шунингдек, даявогар Қўчқоров Жўрабой суғда даъво аризаси бўйича маънавий зарарларини ўлчаш ҳақини таъинлаш бўйича ҳал қилди.

Шунингдек, даявогар Қўчқоров Жўрабой суғда даъво аризаси бўйича маънавий зарарларини ўлчаш ҳақини таъинлаш бўйича ҳал қилди.

Шунингдек, даявогар Қўчқоров Жўрабой суғда даъво аризаси бўйича маънавий зарарларини ўлчаш ҳақини таъинлаш бўйича ҳал қилди.

Шунингдек, даявогар Қўчқоров Жўрабой суғда даъво аризаси бўйича маънавий зарарларини ўлчаш ҳақини таъинлаш бўйича ҳал қилди.

Унинг илдамси шундай: Асака туманида яшовчи таниши ишончига кириб, олти йил аввал ундан 1000 АҚШ доллари олган-у, шу пайтга қайтариб бермаган. Такрор-такрор қарзини сўрайвериб қарачди. Ахирини, Балиқчи тумани ички ишлар бўлимиға мурожаат қилди. Ҳуқуқ-тартибот посбонлари аризада тилга олинган шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетган, дея жиноят иши қўзғатишни рад этиб, «Фукаролик ишлари бўйича суғда мурожаат қилинг», дейишди.

Шундан сўнг Жўрабой ота фукаролик ишлари бўйича Избоскан туманлараро суғдиға ҳам қарзини, ҳам етказилган маънавий зарарини ундириб бериш юзасидан даъво аризаси берди. Суд 2017 йилнинг 23 ноябр кунини даъво аризасини қўнуқчиликда белгиланган талабларға мувофиқ эмас, деб топти. Икки хил даъво учун 236 мианг 887 сўм миқдориди давлат божи тўланмаганлиги сабабли аризани ҳаракатсиз қолдириш ва 4 декабрға қадар кўрсатилган барча қамчиликни бартараф этиш юзасидан ажрим чиқариб берди.

Жўрабой ота айтилган қамчиликларни бартараф этишға киришиб кетди. Демак, аризада ўзи ва жавобгарнинг шахсиға оид маълумотларни келтириши, қарз муносабатларини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиши ва ниҳоят, давлат божини тўлаши керак. Булар ҳал этилди. Аммо суғда айтган қамчиликларнинг бириға келганда, ҷунонам боши қотдики... айтишға тил бормаиди. У

Нурилло НЎЪМООНОВ «Ishonch»



Муаммонинг кичиги бўлмайди

Йўлми ё кўл?

«Ёшлик» талабалар шаҳарчаси пойтахтимизнинг гавжум ва файзли масканларидан. Бу ердаги муҳит, ёшлар учун яратилган шароитлар қўзни қувонтиради. Тўртта олий ўқув юртиға тегишли талабалар турар жойлари кўркам ва тартибли. Бундан ташқари, ҳудудда учта йирик усти ёпиқ сузиш ҳавзаси, олтиға ёпиқ спорт мажмуаси фаолият кўрсатади. Қолаверса, савдо расталари, компютер клублари, емақхона ва ҳоказол талабалар хизматида.

Аммо ҳудуддаги мавжуд қамчиликлардан ҳам қўз юмиб бўлмайди. Гап «Бе-руний» метро бекатидан шаҳарча марказига борувчи асосий пиёдалар йўлиға ҳақида кетмоқда. Талабалар ва аҳоли учун муҳим аҳамият эға ушбу йўлак ёмғирли кунларда қўллаб

кетса, ёз мавсумида чанг-тупроқни йўлга айланади. Шу туфайли баъзан узок бўлса-да, асосий автомобил катнови йўли бўйлаб ҳаракатланади. Ақс ҳолда, қўлмақлар узра сакраб ёки йўлак ёнидаги ёлғизоқ йўл бўйлаб юришдан бошқа чора қолмайди. Йўловчиларға

ноқулайлик тудираётган ҳолатта неча йилдирки, эйтиборсиз қаралмоқда. Четдан қараганда, катта муаммодек кўринмаса-да, бундай манзара чиройли ва озода шаҳарчаға ярашмаслиги аниқ...

Сирожиддин ЎСАРОВ

Муносабат

Эсимни таниганимдан буюн кишлоғимиз одамларнинг атайлаб саёҳатга чиққанини эслай олмайман. Ёши улуглар фарзанди ёки набиралари олдида мақтанмоқчи бўлса, вилоят маркази, нари борса, фақатгина Тошкент шахрига борганини, кўп мўъжизалар кўргани-ю, ҳайратда қолганини айтишарди.

Ички туризмда янги давр

Эндиям саёҳат қилмаслик мумкинми?!



Ўзбекчиликда ички саёҳат тушунчаси амалда ўзгачарок тақин этилади. Яъни, маълум бир сабаб билан йўлга чиқса, шу саёҳат. Олайлик, фарзандини пойтахтда ўқитиш ёки ўзи бемор бўлса даволаниш, бирор ҳудудда ишлаётган ўғли ёки турмушга узатган кизини кўриш каби сабабларгина бизни сафарга ундайди. Бойси, оилапарваримиз: тоғанимизни рўзгор бутлиги, ота-она розилиги, фарзандларимиз тарбияси учун сарфлаймиз. Тўғри, истисно ҳолатлар ҳам бор: курсдошлар ёки жамоа билан айланмиш, танишларнинг тўғри, энди-энди урф бўлаётган оилави сафарлар каби саёҳатлар ва назоратчи бўлиб турилади.

Келадди. Қарорга мувофиқ тасдиқланган «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» ички туризмни ривожлантириш дастурини амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси муҳим ўрин тутуши, шубҳасиз. Режа ижросини мувофиқлаштириш Турizmни ривожлантириш давлат қўмитаси, маҳаллий ҳокимиятлар қатори Касаба уюшмалари Федерацияси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамда Ўзбекистон фахрийларнинг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси каби халққа яқин, уларнинг турли тоифаларини камраб олувчи жамоат ташкилотлари зиммасига юқлангани ҳам бежиз эмас.

Юртдошларимиз миллионларни ташкил этса, ажабланмайман. Оммавий ахборот воситалари орқали хорижий давлатлардаги шахарларга, туристик зоналарга кизикимиз-у, бундан-да гўзал, қадимий ва жозибадор, асосийси, ёнимиздаги масканларга эътиборсизми...

Ходимнинг даромади сифатида қўриб чиқилмайди ҳамда юридик шахслар олинганда фойда солигини ҳисоблаб чиқишда чегириб қолиниши лозим;

Жисмоний шахсларнинг солиққа тортилган даромадлари Ўзбекистон Республикаси бўйлаб туристик йўланмаларни туризм соҳасида фаолият кўрсатиш бўйича лицензияга эга бўлган субъектлардан сотиб олишга йўналтирилган харажатлар суммасига қамайтирилади. Бунда туристик йўланма (айирбошланган ва...

симот-режаси тасдиқланди. Унга мувофиқ, жамоа шартномалари ва тармоқ келишувларига киритиш орқали 130 минг ходим ва уларнинг оила аъзоларини тарихий шахарларимиз ва маҳаллий ҳудудлардаги диққатга сазовор жойларга жамоавий саёҳатларини ташкил этиш, шунингдек, қорхонамиз орқали 10 минг саёҳатчини тарихий шахарларимизга сафарларини уюштириш белгиланган.

Даражада тайёр? Юртимизда 800 дан ортик сайёҳлик ташкилоти фаолият кўрсатиб, 600 дан зиёд замонавий меҳмонхона, сайёҳлик базаси ва кемпинг мавжуд экан. Дам олиш масканлари йил сайин кўпайиб, хизмат кўрсатиш тури ва сифати юксалаяпти. Янги сайёҳлик йўналишлари ишлаб чиқилаётгани, транспорт-коммуникация тизими халқаро стандартлар даражасига келтирилаётгани соҳа ривожига, мамлакатимизга юзқувчи сайёҳларнинг кўпайишига замин яратмоқда. Президентимиз фармонида асосан Исронд, Индонезия Республикаси, Жанубий Корея, Малайзия, Сингапур, Туркия ва Япония фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасига мунғтазам авиакомпанияларини амалга оширувчи хорижий авиакомпаниялар ҳамда кемалари экипажнинг аъзолари учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кирган кундан эътиборан 30 кунлик муддатта висазиз режим белгиланиши кўзда тутилган. Шунингдек, яна 39 та давлат фуқаролари учун туризм визаларини расмийлаштиришнинг осонлаштирилган тартиби белгиланади.

Отанимнинг мен учун ҳам қадридор бўлиб қолган, турли йиллар хотираларини эслатувчи албомлари бор. Унда Қарши давлат университетига ўқиб юрган кезлари Самарқанд шахрига уюштирилган саёҳат аксе этпаи расмлар ҳам борки, отам ҳамон ажиб бир завк ва соғинч билан ўша сафар таассуротларини сўзлаб беришни хуш кўради.



Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!

Юқориди мулохазалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 7 февралдаги «Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори сабаб ҳалимдан бир-бир ўта бошлади. Англадимки, ушбу ҳужжат халқимиз маданий ҳаётида янги саҳифа очди. Туризм борасидаги ишлар, айниқса, ўтган бир йил давомида анча жадаллашди. Қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Жумладан, Турizmни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этилиб, фаолият йўналишлари аниқ белгилаб берилди. Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз ва Қўқон каби қадимий шаҳарларимизда ўзи хоё саёҳатчилик инклим, туристлар учун қўлай шароитлар яратишга киришилди.

— Қарорга кўра, жамоа шартномаларига рағбатлантириш чораси сифатида давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига ўз ходимларининг қамиди 10 фоизини оила аъзолари билан биргаликда ҳар йили дам олишга (ички туризмга) юборишни назарда тутадиган жамоавий ва оилавий дам олинишни ташкил қилиш нормаси киритилиши белгиланди, — дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши бўлим мудири Маҳмуджон Исаев. — Бундан ташқари, ходимларга меҳнат қўнғинчилигига мувофиқ улар учун қўлай бўлган вақтда саёҳат қилиш ва дам олиш учун таътилнинг фойдаланилмай қолган қисми ҳисобидан ҳам дам олиш кунлари бериш кўзда тутилмоқда.

лик мавжуд. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарлари ЮНЕСКОнинг жаҳон мероси дурдоналари рўйхатида киритилган. Дунё давлатлари ҳавас қилса арзийдиган шундай имкониятимиз бор. Нега энди, биринчи навбатда, саёҳатни ўзимиздан бошламаслигимиз керак? Бундан, аввало, завка тўла маданий ҳордик оламиз, қабимиз гурур ва ифтихорга тўлади. Шунингдек, иктисодиётимизга, ички туризм ривожига салмоқли ҳисса қўшган бўламиз.

учер), авия ва темир йўл чипталари, автотранспорт ташкилотларининг ҳисоб-фактуралари (чипталари) ва жойлаштириш вентиллари чеклари тасдиқловчи ҳужжатлар ҳисобланади).

Ички саёҳатларга ходимлар, уларнинг оила аъзоларини жалб этиш билан бирга, ёш авлод вакиллари ҳам унутмаслигимиз керак, албатта. Негаки, ёшларнинг Ванани севиши, миллий маънавиятга, тарихга ҳурмати ошишида, бир сўз билан айтганда, ўзинини англашида туризмнинг ўрни бекиёс. Минг марта эшитилган бир марта кўрган афзал, дея бежиз айтишмайди. Хориждан кириб келаётган «оммавий маданият»нинг турли зарарли кўринишларига қарши энг яхши иммунитет, шубҳасиз, юрт тарихи, аجدодлари ва маданиятини билиш ва фахрланишдир.

Жаҳон туризми экспертлари Ўзбекистонини яқин келажакда сайёҳлар оқими янада ортиши кутилаётган беш давлат қаторига қўшиб, мамлакатимизда кейинги 10 йил ичда туризмнинг йилгига 7 фоиздан ўсиб боришини башорат қилишмоқда. Бу эса янги иш ўринлари яратиш, экспорт ва япи ички махсулот ҳажми ошиши, аҳоли турмуши фаровонлигини янада юксалтириш имконини яратди.

Ўзимизники барибир бошқача

Инсон ҳаётида саёҳатлар алоҳида ўрин тутиб, мазмунли онлар сифатида хотирада муҳрланиб қолади. Негаки, саёҳатда, биринчи навбатда, сиз учун янгилик бўлган ўзгача муҳитни кўрасиз, табиат мўъжизалари, инсон ақлу заковати билан бунёд этилган қадимий ва замонавий иншоотлар гувоҳи бўласиз. Хорижий давлатларни кўз турунг, хатто юртимиздаги тарихий шаҳарларни билмай-диганлар орамизда қанча? Эсланг-чи, Самарқанд ёки Бухоро шахрига охириги марта қанда қўшлаб ёркин саҳифалар очилишига, одамларнинг яшайдан завк туйишига олиб

Ўзимизники барибир бошқача

Барчамиз учун муҳим Қарорга асосан белгиланаётган куйидаги жиҳатлар сизни янаам қизиқтириб қўйиши турган гап. Ички саёҳатларга жорий йил 10 февралдан бошлаб уч йил муддатта қатор имтиёзлар берилмоқда. Айнан келтирамиз: «иш бевузининг туризм соҳасида фаолият кўрсатиш бўйича лицензияга эга бўлган субъектлардан ходимлар ва уларнинг оила аъзолари учун республика бўйлаб туристик йўланмаларини сотиб олиш харажатлари

Дунё ва биз

Дунёда туризм саноати илғор ва селаромад соҳалардан бирига айланди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотига кўра, дунё бўйича 200 миллионга яқин киши ушбу соҳада меҳнат қилади, жаҳон иктисодиётида халқаро туризмдан тушайтган даромад 1 триллион АКШ долларини зиёдни ташкил этапти. Жаҳон бўйлаб сайёҳлар йилгига 4-5 фоиз кўпайиб, ҳар йили бошқа давлатларга саёҳат қилувчилар 1 миллиарддан ошмоқда. Хўш, мамлакатимиз ушбу рақобатга қай

Юртимизда 800 дан ортик сайёҳлик ташкилоти фаолият кўрсатиб, 600 дан зиёд замонавий меҳмонхона, сайёҳлик базаси ва кемпинг мавжуд экан. Дам олиш масканлари йил сайин кўпайиб, хизмат кўрсатиш тури ва сифати юксалаяпти. Янги сайёҳлик йўналишлари ишлаб чиқилаётгани, транспорт-коммуникация тизими халқаро стандартлар даражасига келтирилаётгани соҳа ривожига, мамлакатимизга юзқувчи сайёҳларнинг кўпайишига замин яратмоқда.

ХА, ИЧКИ ВА ТАШҚИ ТУРИЗМИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ ИШЛАР ШИДДАТ БИЛАН ДАВОМ ЭТМОҚДА. ШУНГА ҚАРАМАЙ, ЮРТИМИЗ ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИНИ НАМОЁН ЭТИШ УЧУН КўПЛАБ

МАСЪУЛИЯТЛИ ВАЗИФАЛАР ҲАЛИ ОЛДИНДА. НИМА БўЛГАНДА ҲАМ, САЙёҳЛИК СОҲАСИДА ЎЗБЕКИСТОН БРЕНДИ ҚАНЧА ЮКСАЛСА, Дунё ҲАМЖАМИЯТИДАГИ ўРНИМИЗ ҲАМ ШУНЧАЛИК МУСТАҲКАМЛАНИБ БОРАВЕРАДИ.

Тадбир

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида назм бўстонининг боғбонлари Алишер Навоий ва Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллуд кунларига бағишланган «Назм ва наво» кечаси ўтказилди. Унда эл севган санъаткорлар, давлат арбоблари, адабиётшунос олимлар иштирок этди.

«Назм ва наво» кечаси

Тадбирда сўзга чиққанлар бу икки буюк истеъдод соҳиблари ёшлик чоғлариданоқ ғайрату интилиши билан бемисл муваффақиятларга эришганини алоҳида таъкидлашди. — Москвадаги нашрларнинг бирида чоп этилган мақолада: «Алишер Навоий улуг шоир ва мутафаккир. Жаҳон адабиёти унганча бўлган давр мобайнида бундай шоирни кўрмаган эди», дейилибди, — деди Ўзбекистон

Ўзғувчилар уюшмаси раиси Муҳаммад Али. — Шох ва шоир Мирзо Бобур ҳам фахримиз ва гуруримиз ҳисобланади. Бу икки зот халқимизнинг пешонасида порлаган офтоб десак, асло муболага бўлмайди. Тадбирда санъаткорлар томонидан Навоий ва Бобур газалларига басталанган куй-қўшиқлар ижро этилди.

Маҳлиё УМИРЗОҚОВА, талаба

Табиат ҳақида лавҳалар

Ҳар қаллада ҳар хаёл

ёхуд икки бошли илон тақдири

Ўқувчилик йилларимиз. Директоримиз бир йиғилишда ташаббус билан чиқиб, туман раҳбарига берган ваъдасига кўра, юқори синф ўғил болаларидан 90 нафарлик чалғичилар бригадаси тузилди. Одамбормаснинг бепеён даштида ўт-ўланлар ўсиб ётибди, хоҳлаганча ўриш мумкин.

Хавас ва кизикки билан ўт ўришга киришдик. Ғайратимиз ичимизга сизгасди. Аммо тўртинчи кунга бориб толиққанимиз билиниб, анча ювош бўлиб қолдик. Суёткашлик қила бошладик, ҳар хил баҳоналарни рўқач қилишга ўтдик. Пахтаобод канали яқин. Сув

ичамиз ёки чўмилиб келамиз, деб ўқитувчиларимиздан ижозат сўраймиз-у, вақтини чўзамиз. Тушлукдан кейин ҳам аҳвол шу. Чўмилиш роҳати жон. Шундай кунларнинг бири. Чўмилиб чиқиб, оёқларимни сувга ботириб ўтирдим. Ўртокларим ҳам бирин-кетин

Хусниддин ўртоғим икки кун олдин гапириб берган воқеани эсладим. Ҳеч қайсимиз ишонмаган эдик унинг айтганларига.

— Мўминкал даштида ўт ўраётганидек, — деган эди у ҳаяжон билан. — Туш чоғи чўмилишга бордим. Сувга тушиб олди дандан баданимни қўшга тоблаб олдим. Кўзим сув бетидеги олачилор нарига тушди. Қузатсам, сув илони экан. Тананинг юқори қисми иккига бўлинган, боши ҳам иккига эди. Ҳайратланарлиси, бошлар бир-бирига басмабас ҳамда қиларди. Бу олшув бир неча бор такрорланди. Уни

сувдан чиқариб олмоқчи бўлиб хивич, таёк ёки сим ахтардим. Келгунимга қадар кўздан гоийб бўлибди. Хусниддин ёлғон гапирмаган экан. Бугун биз Тулқиҳонада ўт ўраемиз. Мўминкал дашти билан ораси беш чакирим. Демак, икки бошли илон жанги икки кун давом этган. Мен эса жанг якунига гувоҳ эдим. Икки бошли сув илонининг бош ва бўйинлари қонлаш, терилари шилинган. Бир иккинчисини ютгани эса ҳаёт-мамот жангининг низоҳисидан далолат эди. Бу воқеа узок йиллар кўз ўнгимдан кетмади. Илоннинг бир-бирига итоат этмас икки бошли икки олам эди. Бир танга икки бош ортқиқчилик қилишини ўшанда тушунганим.

Турсунбой БОЙМИРОВ, Қамаш

Logo of O'zbekiston kasaba uyushmalarini Federatsiyasi with contact information and QR code.

Manzilim: 100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-й. E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Худудлардаги муҳбирлар: Қорақалпоғистон Республикаси — (+998-91) 268-92-32...

Навбатчи муҳбирлар: А. Тошев, Навбатчи: С. Хайдаров, Мусаҳҳиҳ: С. Шодиева...

Ишончдан олинган маълумотларда маъна сифатида газета номи кўрсатилган шарт. Муайянлар фирми тақрир этиш наъзида фардлангани мумкин.